



Учинчидан, тил нафақат инсоннинг маънавий маданиятини ривожлантиришга, шу билан бирга ишлаб чиқаришни яхшилашга, меҳнат фаолиятини ўсишга ҳам таъсир этади. Тил инсонларни ижтимоий муносабатлари билан ҳам узвий боғлиқдир. Тил мулоқот воситаси ҳисобланади. Шу жиҳатларини оладиган бўлсак тил маънавий маданиятнинг асосидаги ҳодиса эканлиги кузатилади. Тил маданий мазмун касб этувчи, ахборотларни йиғувчи ва ўзида сақловчи (кумулятив) вазифани бажаради [Райхштейн А.Д. Лингвистика и страноведческий аспект в преподавании иностранного языка // ИЯШ, 1982, –№6. –С.14-15]. Ўқувчилар тили ўрганилаёт-

ган мамлакатлар маданияти, санъати, тарихи, адабиёти, урф-одати, анъаналаринидан хабардор бўлиши, халқ маданияти хазинаси сифатида тилнинг кумулятив вазифасидан воқиф бўлиш имконини беради.

Тилда миллатнинг ўзига хос хусусиятлари, қадимги авлодларининг дунёқараши, жамиятга ва ўзларига бўлган муносабати ўз аксини топади. Тилда мақоллар, фразеологик бирликлар неча асрлардан бери сақланиб келинади. Коллеж ўқувчиларига немис тилида сўзлашибни ўргатилар экан, уларнинг тил сирларидан воқиф бўлиши она тили қобигидан чиқишилари, маънавий маданиятларини бойитишлари учун ҳизмат қиласди

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкни, лингвомамлактшунослик тилларни қиёслаш имконини беради ва унинг қуидаги хусусиятлари чет тил ўқитиш учун муҳимдир саналади: (а) ўқувчиларни тили ўрганилаётган мамлакат(лар)нинг турмуш тарзи, миллий-маданияти билан таништириш; (б) тарихий ёдгорликлари, диққатга сазовар жойлари тўғрисида маълумот бериш; (в) тили ўрганилаётган мамлакат(лар)нинг нутқ маданияти, кундалик сўзлашув нутқи билан яқиндан танишиш.

Фойдаланилган адабиётлар:

- 1. Алефиренко Н. Ф.** Поэтическая энергия слова: синергетика языка, сознания и культуры. – М.: Academia, 2002. – 391 с.
- 2. Воробьёв В. В.** Лингвокультурология: теория и методы. – М.: Изд-во РУДН, 1997. – 331 с.
- 3. Красных В. В.** Этнопсихолингвистика и лингвокультурология: курс лекций. – М.: ИТДГК «Гнозис», 2002. – 284 с.
- 4. Петров М. К.** Язык, знак, культура. – М.: Наука. Главная редакция восточной литературы, 1991. – 328 с.
- 5. Попова Т. Г.** Национально-культурная семантика языка и когнитивно-социокоммуникативные аспекты (на материале английского, немецкого и русского языков): монография. – М.: Изд-во МГОУ «Нар. учитель», 2003. – 145 с.

ХИЛВАТИЙ ИЖОДИДА АХЛОҚИЙ-ТАЪЛИМИЙ ШЕЪРЛАР ВА УЛАРНИНГ ЖАНР ХУСУСИЯТЛАРИ

Болтабоева Озодахон Юлдашалиевна

Намангандавлат университети

филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

boltaboeyeva.ozodaxon@gmail.com



Аннотация: Мақолада Хилватий ҳаёти ва ижоди ҳақида маълумот берилган. Шоир шеъриятининг жанрлар ранг-баранглиги мисоллар асосида таҳлил этилган. Хусусан, шоир ижодидаги анъана ва ўзига хослик, мавзу ва гоялар олами ёритилган. Хилватий ижодининг Наманган адабий мұхитида тутган ўрни баҳоланган. Шоир газалларида ёшларни илм-маърифатга, ҳаётни, Ватанни севишга чорлаб, сабр-қаноат ва одоб инсон зийннати әкани алоҳида таъкидланади.

Калит сўзлар: жанр, вазн, анъана, ўзига хослик, мавзу, талқин, тасвир, маҳорат, мазмун ва шакл.

МОРАЛЬНО-ПРОСВЕТИТЕЛЬСКИЕ СТИХИ И ИХ ЖАНРОВЫЕ ОСОБЕННОСТИ В ТВОРЧЕСТВЕ ХИЛВАТИ

Болтабоева Озодахон Юлдашалиевна

Наманганский государственный университет

доктор философии по филологическим наукам (PhD)

boltaboyeva.ozodaxon@gmail.com

Аннотация: В данной статье даны сведения о жизни и творчестве Хилватий. Всесторонне проанализированы жанровые особенности в стихотворных произведениях поэта. Рассмотрено место творчества Хилватий в литературной среде Намангана. В лирических стихотворениях разъясняется как обучать молодых любить науку, образование, жизнь, Родину, кроме этого подтверждается, что терпение и воспитание – украшение человека.

Ключевые слова: жанр, метрика, традиция, специфичность, тема, толкование, изображение, мастерство, форма и содержание.

MORAL AND EDUCATIONAL POEMS AND THEIR GENRE

FEATURES IN KHILVATI'S WORK

Boltaboyeva Ozodakhan Yuldashaliyevna

Namangan State University

Doctor of Philosophy in Philological Sciences (PhD)

boltaboyeva.ozodaxon@gmail.com

Resume: This article exposes the information about genre features of works of Xilvatiy, who had great place in uzbek classic literature. For particular lyrics it is illustrated to teach to love science and education life native land. Also it is confirmed that patience and good breeding are person's ornamentation.

Key words: genre, measure, tradition, specify, theme, depiction, skill, form and meaning.

XX аср бошлари Наманган адабий ҳаракатчилиги намояндаси Мулла Йўлдош Тўрабой ўғли Хилватий ҳалқ онгини миллатпарварлик рухида шаклланиши ва ривожланиши, маориф ва маданиятни юксалиши учун сермаҳсул ижод қилди. Ахлоқий-таълимий ҳарактердаги шеърлари орқали ёшлиаримизни она-Ватанга садоқатли, илм-маърифатли ва ижтимоий ҳаётда фаол бўлишга чақирди. Унинг лирик меросини мавзу жиҳатдан қуидагича тасниф этиш мумкин: 1) ишқий; 2) ахлоқий-таълимий; 3) ижтимоий-сиёсий; 4) ҳажвий.



Хилватийнинг ахлоқий-таълимий характердаги шеърлари унга замондош шоирларнинг шу мазмундаги ижод намуналарига нисбатан салмоқли ўрин эгаллади. Шоирнинг “Чиқиб” радифли саргузашт шеъри биографик характерда ёзилган бўлиб, ахлоқий-таълимий мазмунга эгалиги билан алоҳида ажралиб турди. Дастрасада таълимни қишлоқдаги Мулла Азим қозидан олган шоир Намангандаги “Азизхўжа эшон” мадрасасида 15 йил Баҳодирхон эшон, Мулло Муҳаммад Зокир Маҳдуми Шоший, ҳазрати Иноятхон домла Лангарий, Мулла Охундшоҳ, Мулла Эшонжон домла, Абдуллоҳхон эшон каби мударрислар қўлида илм ўрганади. Бу каби биографик маълумотлар шоир диний имларни қай даражада ўргана олгани ҳақидаги тасаввуримизни бойитади. Ушбу саргузашт шеър насрий усуладаги хотиралар ва 150 бандли мухаммаснинг аралаш ҳолда берилиши билан халқ достонларига хос баён усулини эслатади. Хилватий таржимаи ҳолини ёритишда муҳим манба саналган бу асарда унинг устозлари, дўстлари ҳақидаги маълумотлар ҳам учрайди [9, 384-410]. Хилватий мадрасада дастлаб, Баҳодирхон эшондан, у вафот этгач, Мулло Муҳаммад Зокир Маҳдумдан илм ўрганади. У Хилватийга ўзидағи бор илмни ўргатгач, ўқишини давом эттиришни маслаҳат беради ва уни ҳазрат Иноятхон Лангарий қўлига топширади. Шогирдликка қабул қилиш асносида бу улуғ мударрис уни бир неча саволлар билан синаб кўради. Бу жараённи шоир шундай таърифлайди:

*Фарқ ўлуб хижлат терига ҳаддин оиди ҳайратим,
Доми ҳайратга гирифтор ўлди мурғи фикратим,
Жомийга қилган мухаммас бор эди бир санъатим,
Матлаъин қилдим ҳаё бирла нисори сұхбатим,
Шармдин андогки бўлди кетгудек жонлар чиқиб [9,389].*

Бу байтлар мазмунидан билиш мумкинки, Хилватий мадрасада таҳсил олиб юрган чоғларида ўзбек ва форс-тоҷик мумтоз адабиёти намояндалари ижодидан баҳраманд бўлган ва уларга эргашиб назиралар, тахмислар ёзган. Хилватий Лангарий домла билан учрашувдаги сұхбатда Жомий ғазалига ёзган бир мухаммаси матлаъсини ўқиб бериб, ўз истеъдодини намойиш этади. Ўз навбатида, бу улуғ мударрис мадрасада ўтказиладиган шеър баҳсларида Хилватийнинг санъаткорлик маҳоратига кўп бор мақтов айтган. Шоирнинг яширин истеъодиди намоён бўлгач, унга “Хилватий” тахаллусида ижод қилишини ҳам шу муҳтарам устоз тавсия қилган эди:

*Бошлидим “Шамсия”дин дарсу чиқиб бўлдим равон,
Сўнгра изҳор айламишлар хизматига ҳозирон:
“Хилватий” дерлар муни табъидадур маҳзан ниҳон,
Ошкор айлар дури пинҳонини баъзи замон,
Кўринур гоҳи варақларда ёзилгонлар чиқиб [9,389].*

Шоир бу воқеага қадар “Жийдакафагий”, “Намангоний” тахаллусларида ижод қилганини Тошкентдаги дўстиарига ёзган форсча мактубидаги қайдлар ҳам тасдиқлайди [8, 209⁶].

“Хилват” сўзининг маъносини яхши анлаган шоирга бу таклиф маъқул келиб, шу тахаллусни қўллай бошлайди. Шоир узлатга чекиниб ижод қилмаган, фақат у камтарлиги сабаб истеъдодини, ўзидағи шоирлик маҳоратини кўз-кўз қилишдан сақланган.



“Хилват” сүзи “ёлғизлик”, “танҳо бўлмоқ”, “маълум фурсат одамлардан узоқлашиш” каби маъно анлатади. Хилватга чекинган дарвеш (моддий борлиқдан, нафси шум орзуларидан қўл силтаб, дунё неъматларини тарқ қилиб, Ҳақиқат йўлига кирган киши. Дарвеш – умрини ишқ ва риёзатта бағишилаган тариқат Йўлчиси, чин ошиқ) қирқ кун мобайнида оз овқатланиб, оз ухлаб, давомли ибодат орқали чилла тутиши керак бўлган. Бу – нафсни енгиб, кўнгилни поклаш “тажриба”сидир [8, 209⁶]. Дарвеш атамасини изоҳлаган И.Ҳаққулов ўз тадқиқотида унга қўйидагича таъриф беради: “Дарвешлик – кўнгил йўлчилиги. Дарвешлар шу йўлдан оғишмай юрувчи Ҳақ элчилари. Ўтмиш учун “ўлиб”, келажак учун доимо қайта “туғилиш”га қодир кишилардир. Улар дунёнинг ботиний моҳиятини мукаммал билиш, Ҳақ ва ҳақиқатни ички томондан теран идрок эта олишлари билан ибрат кўрсатгандар” [5, 213]. Бу заҳмат тасаввуфнинг Хилватия тариқатига хос, аммо Хилватий Нақшбандиянинг “Хилват дар анжуман” тамойилига амал этган, яъни зоҳиран халқ билан, ботинан Ҳақ билан бирга бўлган:

*Агарчи бир-ики кун зоҳиран Сандин жудо бўлдим,
Ва лекин ботинан ҳаргиз дилим Сандин жудо бўлмас [9, 127].*

Хилватий лирикасида жамиятдаги салбий ҳолатлар, айрим кишилар хатти-ҳаракати ҳам ҳажв остига олинган. Масалан, шоирнинг “Бу кеча”, “Кенгошамиз”, “Нўноқ шоир ҳақида”, “Дар сифати кафшим”, “Хотун”, “Қозилар”, “Ҳасис”, “Қашшоқ”, “Такаббурлар ҳақида” каби ҳажвий шеърлари инсонларни сергакликка чорлайди, ҳаётда худди шундай кулгили вазиятга тушиб қолмасликка чақиради. Хилватийнинг “Нўноқ шоир ҳақида” деб номланган ҳажвий ғазалида шеър ёзишни билмаган шоир танқид қилинади. Шоир шеърда маъно ва шакл мутаносиб бўлиши, унинг бузилиши шеърни кар ва соқов этиб, ҳиссиз ва таъсирсиз этиши мумкинлигини айтади:

*Айлади изҳори жаҳлу нуқсу хумқу аblaҳi,
Бемаза абёти бирла бир неча дуну дагал.
Шеър бир озода дилбар эди кўп, аblaҳ ani,
Айлади кўзу қулогин кўру кар, бошини кал [9, 457].*

Хилватий ўн етти байти “Қозилар” ҳажвий ғазалида қозилик сайловида бор хунарини ишга solaётган, нафс йўлида ҳаётини издан чиқариб бораётган қозиларни танқид қиласди:

*Келди сайлов, бўлдилар зору паришон қозилар,
Ушибу гамдин чок қилдилар гирибон қозилар.*

*Қолдилар бечоралар равнақларидин айрилиб,
Эрдилар соҳиб тароват чун гулистон қозилар [9, 461].*

Марказий Осиё Россия томонидан босиб олингандан кейин ҳам қозилик суди сақланиб қолди. Ушбу жараёнга адабиётларда: “Бу билан мустамлакачилар ўзларини ерли халққа нисбатан одил, уларнинг “пушти паноҳи” қилиб кўрсатмоқчи бўлдилар” [11, 171], – дея муносабат билдирилган. Суд ишлари шариат қоидалари асосида олиб борилса-да, аммо давлат аҳамиятига молик ишларни қозилик судида кўриш ман этилган эди.

Хилватий ижодига оид нашрий манбалар, хусусан, шоирнинг “Қасидаи илм”, “Чароги мактаб”, “Сайрул жибол” ва “Мавлуди шариф” асарлари XX аср бошларида Тошкентда чоп этилган [4, 27].



Унинг 1903 йилда ёзган форсча “Қасидаи илм” асари “Сайрул жибол”нинг тошбосма нусхаси билан бирга 1910 йил нашрдан чиққан. Илм ва олимлик фазилатига бағишиланган 96 байтли бу қасиданинг кириш қисмида шоир форс тилида: “Ин қасида дар баёни мадҳи илм ва дониш ва хасоил ва маноқиби уламо...”, яъни “Бу асар илму дониш мадҳида ва олимларнинг хислат ва маноқиблари ҳақида”, – дея таъкидлайди [6, 54]. “Қасидаи илм”нинг қўллёзма нусхаси Хилватий девонида ҳам мавжуд [8, 167^a-168^b].

Асарни форс тилидан ўзбек тилига Сайфиддин Сайфуллоҳ наслий усулада таржима қилган [10, 65-78]. Бу манба ўзбек ва форс тилида сермаҳсул ижод қилган шоир Хилватийнинг зуллисонайнилик анъанаси давомчиларидан бири бўлганини англатади.

Шоирнинг “Қасидаи илм” асарида, асосан, илм ва олимлик фазилати улуғланган:

Зихи, шамсуз-зүхҳо, бадруд-дужо илм,

Чароги базмгоҳи ду саро илм.

(Қандай яхши! Илм – чоштгоҳ қуёши ва тўлин ойдир, икки олам базмгоҳининг чироғидир).

Ба иззи олимон шоҳид ҳамин баст,

Ки мондаст аз Мұхаммад Мустафо илм.

(Олимларнинг азизлигига шу далил етарлики, илм Мұхаммад Мустафо (с.а.в)дан мерос қолгандир) [10, 65].

Ушбу қасида ғазал каби а-а, б-а, в-а тарзида қофияланган, аммо у ҳажман катталиги билан ғазалдан фарқ қиласи. Шу нуқтаи назардан бундай жанрдаги асарларда бирор тарихий шахс мадҳи ёки ижтимоий мавзулар қаламга олинади. Шоирнинг “Қасидаи илм” асари аruz вазнининг ҳазажи мусаддаси мақсур кўринишида, яъни мафоийлун, мафоийлун, мафоийл (V--- // V--- // V--) шаклида ёзилган.

Хилватийнинг ушбу қасидасида илм-маърифатнинг инсон ҳаётида тутган ўрни изоҳланган. Ҳар байтида илм ва ахлоқий гўзалликнинг ўзига хос фазилати баён этилган бундай қасида жанрида ёзилган асар ўзбек адабиётшунослигида учрамаслигини таъкидлаш жоиз.

Адабиётшунослиқда саёҳатга чиққан дўсту биродарларнинг тақдири, умрларининг замоний ва маконий қаторлари ижтимоий масофада конкретлашиб ва узоқлашиб, ўзига хос равища уйғуналашиши ҳақида маълумотлар учрайди [2, 392]. Ана шу ҳолат Хилватийнинг “Сайрул жибол” асарида ҳам юз беради. Яъни асарда номи зикр қилинган ҳамсафарлар тоғ сайридан қайтиб келиб, сайид Бурҳонхўжа билан мулоқот қилишади ва шоир уларга ўзи ёзган “Сайрул жибол” асарини ўқиб беради.

“Сайрул жибол”нинг тошбосма нусхасида Нодимга бағишиланган 19 бандли “тўрам” радифли қасида-муҳаммас (61-64-бетлар), баҳор айёми ва унинг фазилатлари ҳақида 53 байтли “сабз шуд” радифли “баҳория” қасидаси (65-69-бетлар), Тожихӯжа эшон илтимоси билан ёзилган 68 байтли қасида (69-74-бетлар), сўнгра шоирнинг дўсти ҳожи Жунайдуллахоннинг кўп йиллар Мадина шаҳрида яшаб, она-юрти Намангандеги шаҳрига қайтиши муносабати билан ёзилган 15 байтли қасида (75-76-бетлар), Миён Мұхаммад Юнусхоннинг биродари Миён Кудратуллоҳхон ва Мавлавийхон афандилар ҳижрий 1327 (милодий 1909) йил Кўқондан келганларида уларга атаб ёзилган 9 байтли қасида (77-78-бетлар)лар илова қилинган. Бу қасидаларнинг барчаси форс тилида ёзилган. Сўнгра Хилватийнинг 34 байтли ўзбек тилидаги “ҳаёт” радифли ғазали берилган (78-80-бетлар). Китоб форс тилидаги наслий хотима билан якунланади (80-84-бетлар).



Шоир “Сайрул жибол” асарида “Почча ота”, яъни кароматгўй Нуруллоҳ зиёратгоҳининг табиат манзаралари ва сайдра ҳамроҳ бўлган дўсту биродарларининг ўзига хос шаклу шамойиллари ҳақида маълумот беради. Асар 1910 йилда маснавий усули билан арузнинг рамали мусаддаси мақсур (фоилотун, фоилотун, фоилон, айрим байтлари эса фоилотун, фоилотун, фоилун, яъни рамали мусаддаси маҳзуф –V-- // – V -- // – V –) вазнида ёзилган. Шоирнинг мақсади саёҳат таассуротларини ўзидан кейинги авлодга етказиш ва ҳамсафарлар номини тарихга муҳрлаш эди:

*Ибтидо то интиҳо ушибу сафар,
Пардаи назм ичра бўлса жилвагар.*

*Шаҳр элига армугон бўлгой эди,
Барг сабзи жовидон бўлгой эди.*

*Сиз била биздин бўлурди ёдгор,
Колгай эрди бу жаҳонда пойдор [10, 43].*

Асарда шоир сафарга чиққан ёру дўстларнинг табиати бир-бирига муносиб бўлса, саёҳат давомида қийинчилик бўлмаслигини таъкидлайди:

*Кимгаким бўлса тавозу ёри гор,
Ҳамчу ёри гор тобгай эътибор.*

*Барча ому хосга манзур ўла,
Яхшиликда халқ аро машҳур ўла [10,16].*

Байтдаги “ёри ғор” жумласи орқали ғордаги икки бир-бирига яқин киши, яъни пайғамбаримиз Мухаммад(с.а.в) ҳамда уларнинг содик дўстлари Абу Бакир (р.а.)га ишора қилинмоқда. Чунки уларнинг садоқат, вафо бобида тенгсиз эканликлари барчага маълум.

Шоир ижоди ёшларни илм-маърифатли бўлишга чорлайди ҳамда ҳаётни, Ватанини севиш, сабр-қаноат ва одоб инсон зийнати экани алоҳида таъкидланади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Аҳмад Яссавий ҳикматлари. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1991. – Б. 251.
2. Бахтин. Вопросы литературы и эстетики. – Москва: Художественная литература, 1975. – С. 392.
3. Болтабоева О.Ю. XX аср бошларида Наманганда адабий ҳаракатчилик: номояндалари, анъаналари, янгиланиши: филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси. – Тошкент, 2019. – Б. 42.
4. Мулло Йўлдош Хилватий Кафавий ан-Наманганий. Чароғи мактаб. – Тошкент: О.А.Порцев, 1907. – 27 б.
5. Ҳаққулов И.Ч. Ўзбек тасаввуф шеъриятининг шаклланиши ва тараққиёти: Филол. фан. д-ри ... дисс. – Тошкент, 1995. – Б. 213.
6. Хилватий. Сайрул жибол. – Тошкент: Ғулом Ҳасан Орифхонов, 1910. – 84 б.
7. Хилватий. Мавлуди шариф. – Тошкент: Ғулом Ҳасан Орифхонов, 1913. – 73 б.
8. Хилватий. Девон I, 167^а-168^б.
9. Хилватий. Девон. – Тошкент: Фан, 2001.



10. Хилватий. Сайрул жибол. – Тошкент: Фан, 2009. – Б. 65-78.
11. Қосимов Б., Юсупов Ш., Долимов У., Ризаев Ш., Аҳмедов С. Миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти. – Тошкент: Маънавият, 2004. – Б. 171.

ТИЛШУНОСЛИКДА ГАПНИНГ ПРАГМАТИК МАЗМУНИ ВА УНИНГ КОНТЕКСТДА ЎЗГАРИШИ

УДК: 811.1:378(082)

Холматова Вазира Нарзуллаевна,

Қарши Муҳандислик Иқтисодиёт Институти

Хорижий тиллар кафедраси доценти в.б., (PhD)

E-mail: vazira8707@gmail.com

СамДЧТИ профессори ф.ф.д. Насруллаева Н.З. тақризи асосида

Аннотация: Нутқий тузилмаларнинг pragmatik мазмуни мураккаб кўринишга эга бўлиб, кўп босқичли лисоний фаолият муҳитида шаклланади. Мазкур мазмун мулоқот матнида сўзловчининг коммуникатив мақсади билан bogлиқ ҳолда намоён бўлади. Контекст ва коммуникатив вазият билан шартланадиган мазмун турли маънолар (семалар) тўпламидан ташкил топади ва булардан тасдиқ, савол, ундаи кабилари бирламчи бўлса, розилик, инкор, киноя, таҳдид кабилари иккиламчи хусусиятга эга. Охирги турдаги маънолар асосий, бирламчи маънолар билан қоришган ҳолда фаоллашуви билан бир қаторда, мазмун ифодасида етакчи ўринга чиқишилари ҳам кузатилади.

Калим сўзлар: гап тузилиши, pragmatik мазмун, нутқий тузилмалар, нутқий мулоқот, модал сўз, коммуникатив мақсад, пропозиция, сўзловчи, тингловчи.

ПРАГМАТИЧЕСКОЕ СОДЕРЖАНИЕ РЕЧИ В ЛИНГВИСТИКЕ И ЕЕ ИЗМЕНЕНИЕ КОНТЕКСТА

Холматова Вазира Нарзуллаевна,

Каршинский инженерно-экономический институт

И.о. доцента кафедры иностранных языков, (PhD)

E-mail: yazira8707@gmail.com

СамДЧТИ профессора ф.ф.д. Насруллаева Н.З. на основе отзывов

Аннотация: Прагматическое содержание речевых структур имеет сложный вид и формируется в многоуровневой языковой среде деятельности. Это содержание отражено в тексте сообщения в связи с коммуникативной целью говорящего. Контент, обусловленный контекстом и коммуникативной ситуацией, состоит из набора различных значений (семафоров), из которых утверждение, вопрос, побуждение и т. д. Являются первичными, а согласие, отрицание, сатира, угроза и т. д. Вторичны. В дополнение к активации последних типов значений в сочетании с первичными, первичными значениями, также наблюдается, что они берут на себя ведущую роль в выражении содержания.

Ключевые слова: структура предложения, прагматическое содержание, речевые структуры, речевое общение, модальная речь, коммуникативная цель, предложение, говорящий, слушатель.